Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2008-yil • 29-iyul • Seshanba • 90 (27.895) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

«Фарзандларимиз, ёшларимиз бизнинг нафақат ишончимиз ва келажагимиз, ёшларимиз бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир».

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 17 ИСТЕЪДОДИ:

ЭРТАНГИ КУН БИЗНИКИ – МАРРА БИЗНИКИ!

Бизнинг борлигимиз, шону шуҳратимиз, эркин ва фаровон келажагимиз гарови — Мустақиллигимизнинг 17 йиллиги арафасида шу юртнинг фарзандиман деган ҳар бир инсон қалбида фахр-ифтихор, қувонч ва ғурур туйғулари жўш урмоқда.

Ўтган 17 йил давомида мамлакатимизда мисли кўрилмаган буюк ўзгаришлар, янгиланишлар рўй берди. Энг катта ютуқларимиздан бири — Президентимиз орзу қилган янги авлод, ҳар жиҳатдан баркамол авлод вояга етмоқда. Мустақилликнинг биринчи йилида, ҳурриятнинг ёруғ тонгида туғилган ўғил-қизларимиз бугун 17 ёшга тўлаётир! Улар ҳеч кимдан кам эмасликлари, керак бўлса устун жиҳатларини тобора ёрқинроқ, кўпроқ намоён этишмоқда.

Биргина шу йилнинг уч муҳим воқеасини ёдга олайлик: 28 апрель — 4 май кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилган 42-Халқаро Менделеев олимпиадасида 13 нафар ҳамюртимиз совриндор бўлиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни қўлга киритишди. Яқинда Испанияда ўтказилган 49-Халқаро математика олимпиадасида қатнашган 6 нафар ўғил-қизимиздан 4 нафари ғолиб бўлди. Куни кеча эса пойтахтимизда эркин ва юнон-рум кураши бўйича якунланган Осиё чемпионатида мамлакатимизнинг вакилларидан 22 нафари шоҳсупага кўтарилди.

Биз Мустақиллигимизнинг 17 йиллиги арафасида мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 17 нафар истеъдодли ёшларни — Мустақиллик тенгдошларини танлаб, уларга қуйидаги саволлар билан мурожаат этдик:

— ***Сиз Мустақилликни қандай тушунасиз?***

— ***Келажакда ким бўлмоқчисиз?***

2-бет

Суратда: *Мустақилликнинг 17 нафар тенгдоши Мустақиллик майдонида.*

Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Аввало, дўст Ўзбекистон Республикасига амалга оширган расмий ташрифимиздан беҳад мамнун эканлигимизни қайд этиб, ўз номимдан ва Кувайт делегацияси номидан бизга кўрсатилган иззат-икром ва самимий меҳмондўстлик учун чуқур миннатдорлик билдираман.

Сиз, Жаноби Олийлари билан дўстона, ўзаро англашув руҳида бўлиб ўтган самарали учрашувимиз давлатлараро алоқаларимиз мустаҳкам асосга эга эканлигини, мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама манфаатли ҳамкорликни барча соҳаларда янада ривожлантириш, турли мавзулар бўйича ўзаро маслаҳатлашувларни давом эттиришга содиқлигимизни ўзида намоён этди.

Ушбу фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлик, бахт-саодат ва дўст Ўзбекистонга янада тараққиёт ва фаровонлик тилайман.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ,
Кувайт Давлати Амири

ИЖТИМОИЙ СОҲАГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ИСЛОҲОТЛАР

Тошкент шаҳар ҳокимлигида бўлиб ўтган фаоллар йиғилишида асосий эътибор Президентимиз Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 8 февралда ўтган мажлисидаги маърузасида илгари сурилган вазифаларнинг ижросига қаратилди. Жорий йилнинг биринчи ярмида пойтахтимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2008 йилда ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор вазифаларини амалга оширишни таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар атрофлича муҳокама этилди.

Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев бошқарган йиғилишда таъкидланганидек, 2008 йилда иқтисодиёт реал секторининг асосий тармоқларида эришилган ижобий тенденциялар изчил давом эттирилганлиги туфайли ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 16,3 фоиз ўсиши таъминланди. Бунда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 40,6 фоиз, пудратқурилиш ишлари ҳажми 4,2 фоиз, чакана савдо айланмаси 13,6 фоиз, умумий хизматлар ҳажми 24,2 фоиз ошгани муҳим аҳамият касб этди.

Иқтисодий ўсиш суръатларининг таъминланишида хизмат кўрсатиш соҳаси алоҳида ўрин тутади. Хизмат кўрсатиш сифати ва замонавий турлари тобора кенг жорий этилиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик изчил қўллаб-қувватланаётгани соҳа ривожида муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу билан бирга қулай макроиқтисодий муҳитнинг яратилиши инвестиция жараёнларининг янада фаоллашувига хизмат қилмоқда. Буларнинг бари пойтахтда ижтимоий дастурларнинг муваффақиятли амалга оширилиши, жумладан, янги иш ўринлари барпо этиш, аҳолини, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш, касаначиликни ривожлантириш имконини бермоқда. Ўтган олти ойда Тошкент шаҳри иқтисодиётининг барча тармоқ ва соҳаларида 35 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилгани бунинг далилидир.

«Ёшлар йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш борасида касб-ҳунар коллежлари, олий таълим даргоҳларини тамомлаган ёшлар ҳамда меҳнатга лаёқатли аҳоли учун мунтазам равишда меҳнат ярмаркалари ташкил этилмоқда. Дастур ижросини таъминлаш жараёнида ёшлар иҳодиёти маркази, оилавий поликлиникалар, тиббиёт муассасалари, диспансерлар, шифохоналар, таълим, спорт-соғломлаштириш масканлари бунёд этилди.

Айни пайтда шаҳар аҳолисига асосий озиқ-овқат товарлари ҳамда сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш, бозорлардаги асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжнинг барқарор қондирилиши доимий эътиборда.

Йиғилишда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш билан боғлиқ масалалар атрофлича муҳокама қилинди. Кўп қаватли уйларнинг муҳандислик коммуникациялари, фасади, томларини капитал ва жорий таъмирлаш ишларини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.Шоисматов сўзга чиқди.

Н.УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

ЎзХДП: Жамоатчилик қабулхоналарида

ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ – ПАРТИЯ МАНФААТИ

ЎзХДП Фарғона вилоят кенгаши Жамоатчилик қабулхонасида телефон жиринглади. Вилоят кенгаши масъул ходими Турсунбой Солиев гўшакни кўтарди.

— Алло, бу Жамоатчилик қабулхонасими? Мен Тўхтасин Иброҳимовман. Фарғона шаҳар, Темир йўл кўчаси, 36-уйда яшайман. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчисиман, ёшим 84 да. Саломатлигим кўтармаслиги боис, қабулхонага боролмадим. Арзимни телефонда айтсам бўладими?

— Бемалол.

— Пенсия пулимни ўз вақтида беришмаяпти. Тегишли қонунларга мувофиқ, машинамга ёнилғи учун ёрдам пули беришлари керак эди. Бу ҳам ўлда-жўлда...

Жамоатчилик қабулхонаси масъуллари зудлик билан бу масалани ўрганди. Тегишли идораларга мурожаат қилинди. Оқсоқолнинг шикояти асосли экани маълум бўлди ва қисқа муддат ичида бу масала ижобий ҳал этилди.

ЎзХДП вилоят кенгаши Жамоатчилик қабулхонасига бир киши кириб келди.

— Ёзёвон туман «Маҳалла» жамғармаси раиси эдим. Арзимаган сабаб билан ноқонуний равишда ишдан бўшатишди, — дея сўз бошлади Алижон Ғаниев. — Ёрдам беришларингизни сўрайман.

Унинг аризаси асосида туман ҳокимлиги ва бошқа мутасадди идоралар раҳбарларига мурожаат қилинди. Масала чуқур ўрганилди. Шикоятчининг ҳақ экани исботланди. Алижон Ғаниев ўз лавозимига тикланди. Адолат қарор топгач, «Маҳалла» хайрия жамғармаси туман кенгаши ҳайъати Жамоатчилик қабулхонасига расмий раҳматнома юборди.

— Фарғона шаҳар, Гулзор кўчаси, 43-уйда яшовчи Зарипа Маҳкамова қонуний равишда фарзанд асраб олган эди. Аммо белгиланган нафақа пулини ололмай анча муддат овора бўлди. ЎзХДП вилоят кенгаши Жамоатчилик қабулхонасига шу хусусда ариза билан мурожаат этгач, партия фаоллари аралашуви туфайли масала ижобий ечимини топди.

Жамоатчилик қабулхоналари партия электорати, жамоат ташкилотлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатган. Ўтган вақт мобайнида қабулхоналарга таклиф-мулоҳазалар билан мурожаат этаётганларнинг кўпайиши ушбу тузилма иши самарасидан дарак беради. 2008 йилнинг ўтган олти ойи мобайнида аҳоли ва электорат вакилларидан Жамоатчилик қабулхоналарига 686 та мурожаат тушди. Уларнинг аксарияти коммунал соҳа, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар, уй-жой, иш билан таъминлаш каби муаммолар билан боғлиқ. Барча ёзма мурожаатлар тегишли идора ва ташкилотларга ҳал этиш учун юборилади. Уларнинг ижроси назорат этиб борилади. Шуни таъкидлаш лозимки, Жамоатчилик қабулхоналари орқали мутасадди ташкилотларга юборилган аризаларнинг 80 фоизидан ортиғи ижобий ҳал этилмоқда.

Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятида янги қирралар ҳам намоён бўлмоқда. Масалан, ЎзХДП Данғара туман кенгаши Жамоатчилик қабулхонаси тумандаги 100 ёшдан ошган кексаларни ижтимоий ҳимоясига эътиборни кучайтириш ташаббуси билан чиқди. Айни пайтда Обида Аҳмедова, Баҳринисо Эргашева, Раҳима Йўлдошева каби тумандаги ўн уч нафар 100 ёшдан ошган табаррук онахон ва отахонлар ҳолидан мунтазам хабар олиниб, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилмоқда. ЎзХДП Бешариқ туман кенгаши Жамоатчилик қабулхонаси эса ижтимоий ҳимояга муҳтож 15 та ёш оилага ҳомийлар ёрдамида 300 минг сўмликдан ортиқ моддий кўмак берилди.

— ХДП туман кенгаши ҳузуридаги Жамоатчилик қабулхонасига фуқаролар ишонч билан мурожаат этмоқдалар, — дейди ЎзХДП Тошлоқ туман кенгаши раиси ўринбосари Д.Пўлатова. — Ўтган ярим йил мобайнида бизга тушган 60 дан ортиқ мурожаат бўйича тегишли ишлар амалга оширилди. Масалан, 4 та ёш оилани икки ёшгача бўлган болалари парвариши учун лозим нафақалар берила бошланди. Қабулхонага мурожаат этган, бузилиб кетаёзган 3 та ёш оила сақлаб қолинди. 20 га яқин пенсионерлар нафақаларини ўз вақтида ола бошладилар. Биз бу борадаги амалий ишларни янада кучайтириш чораларини кўраяпмиз. Чунки электорат манфаати — партия манфаатидир.

Вилоятдаги бошқа шаҳар ва туманлардаги Жамоатчилик қабулхоналарида ҳам ана шундай ижобий ишлар амалга оширилянти.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Сир эмаски, бугунги кунда мамлакатимиз юнон-рум ва эркин кураш бўйича дунёда етакчи давлатлар қаторидан жой олган. Бунга юртимиз курашчиларининг халқаро майдонларда — Олимпия ўйинлари, жаҳон ва Осиё чемпионатлари ҳамда нуфузли турнирларда эришаётган ютуқлари асос бўлаётир.

ОЛИМПИЯЧИЛАРИМИЗ ИЗДОШЛАРИ

25-27 июль кунлари пойтахтимиздаги «Универсал» спорт мажмуида юнон-рум ва эркин кураш бўйича ўсмирлар ҳамда қизлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида ғолиблик учун гиламга чиқдилар

Истиқлол йилларида ҳамюртимиз Артур Таймазов (120 кг.) ўз вазн тоифасида Олимпия ўйинлари, жаҳон ва Осиё чемпионлигини қўлга киритди. Яна бир курашчимиз Александр Доктуришвили (74 кг.) 2004 йилда Афина олимпиадасида шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилган бўлса, Магомед Ибрагимов (96 кг.) кўксини Олимпия ўйинларининг кумуш медали безади. Иқтидорли спортчимиз Дилшод Мансуров (55 кг.) эса ўсмирлар, ёшлар ва катталар ўртасида жаҳонда тенгсиз деб топилган. Буларнинг барчаси аввало мамлакатимиз Президенти раҳбарлигида юртимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга берилаётган катта эътибор ва ғамхўрликнинг самарасидир.

4-бет

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензиялан

ХАЛҚАРО МАКТАБНИНГ НАВБАТДАГИ МАВСУМИ

Тошкент вилоятининг Паркент туманида Халқаро аэрокосмик мактабнинг навбатдаги — йигирманчи мавсуми бошланди. «Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида ташкил этилган мазкур машғулотларнинг очилиши муносабати билан бўлиб ўтган тадбирда олимлар, авиация ва космонавтика соҳаси мутахассислари, ўқувчи-ёшлар иштирок этди.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг вице-президенти С.Лутфуллаев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юртимизда ёш авлоднинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол инсонлар бўлиб вояга етиши, пухта таълим-тарбия олишига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури жаҳон андозалари даражасидаги ўқув масканларини бунёд этиш, ўқитиш сифати ва мазмунини янада такомиллаштириш, иқтидорли ёшларни аниқлаш, ёш авлоднинг қизиқиши ва лаёқатига мос касб-ҳунар эгаллаш имконини бермоқда.

6 августгача давом этувчи Халқаро аэрокосмик мактабда олимлар, мутахассислар, учувчилар иштирокида соҳага оид илмий, амалий машғулотлар, анжуман ва семинарлар, спорт мусобақалари, қизиқарли маданий-маърифий тадбирлар, интеллектуал беллашувлар, кўрик-танловлар ўтказилади.

(ЎзА мухбири)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2008 йил 29 июлдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*

1 Австралия доллари	1256,61	1 Миср фунти	248,31	1 Туркия лираси	1089,64
1 Англия фунт стерлинги	2617,53	1 Исландия кронаси	16,12	1 Швейцария франки	1271,05
1 Дания кронаси	277,26	1 Канада доллари	1291,39	1 ЕВРО	2068,09
1 БАА дирхами	358,14	1 Хитой юани	192,69	10 Жанубий Корея вони	13,08
1 АҚШ доллари	1315,41	1 Малайзия ринггити	403,25	10 Япония иенаси	122,02
		1 Польша злотийси	646,36	1 Россия рубли	56,32
		1 СДР	2143,62	1 Украина гривнаси	271,62

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 17 ИСТЕЪДОДИ:

ЭРТАНГИ КУН БИЗНИКИ — МАРРА БИЗНИКИ!

Гулноз ШИНЕКЕЕВА — Бердақ номли Қорақалпоқ давлат университети қошидаги 1-сонли академик лицейи ўқувчиси. «Келажак овози — 2007» республика танлови ғолиби:

— Мен, аввало, шуни айтмоқчиманки, мустақиллик тенгдоши бўлганимдан фахрланаман. Мустақиллик мен учун энг улуғ туйғу. Ўз уйимда, юртимда бошимни баланд кўтариб, ҳеч кимга қарам бўлмай, эркин яшашимнинг кафолати. Мустақилликни сарҳадларимизга туташ Орол денгизи, қоларерса, Ватанимнинг бепоён кенгликлари фақат ва фақат ўзимизники эканлигини англашда тушунаман.

Ҳозирда Нукусдаги 1-сонли академик лицейнинг аниқ фанларга йўналтирилган синфида ўқийман. Фан олимпиядаларида, спорт мусобақаларида мунтазам қатнашиб, совриндор бўлиб келаяпман. Ўтган йили «Келажак овози» республика танловида фахрли 1-ўринни олишга муяссар бўлдим.

— Келгусида орзу-ниятларим катта. Лицейни аъло баҳоларга тугатиб, олий ўқув юртига ўқишга кирмоқчиман. Техник фанларни чуқур ўзлаштириб, Худо хоҳласа, саноатимизнинг ривожланишига муносиб улуш қўшаман.



Нигина САЪДИНОВА — Самарқанд вилояти, Пастдарғом туманидаги 8-умумтаълим мактабининг 11-синфини аъло баҳолар билан битирди:

— Биз ҳақиқатан ҳам бахтлимиз. Бу бахтни, имкониятни бизга Мустақиллик берганини яхши тушунамиз. Мен истиқлол тенгдошиман. Тенгдошларим каби мен ҳам яхши биламанки, Мустақиллик аждодларимизнинг азалий орзуси бўлган. Биз ўша орзулар ижобатга айланган замонда яшаяпмиз. Кексалар бугунги ёшларга ҳавасимиз келади, деган гапни кўп айтишади. Лекин бунинг масъулияти ҳам бор. Биз мустақил Ватанимизга мунсиб фарзанд бўлиб етишмоғимиз лозим.

— Бу йил мен учун унутилмас воқеаларга бой бўлди. Фан олимпиадаларининг республика босқичида ўзбек тили фанидан 2-ўринни эгалладим. Шу кунларда Ўзбекистон Миллий университетининг ўзбек филологияси факультетига ҳужжат топшириб, тестга қизғин тайёргарлик кўраяпман.

Яхши биламизки, ўтмишда яшаб ўтган мумтоз шоирларимизнинг мероси, бебаҳо асарлари ҳали тўлалигича ўрганилмаган. Ҳатто Навоий, Бобур ғазалларини луғат орқали ўқиймиз. Демак, бугунги авлод олдида аждодлар меросини ўзгача бир муҳаббат билан севиш, ўрганиш эҳтиёжи бор. Ниятим, келажакда шу соҳа бўйича етук мутахассис бўлишдир.

Фотима АБДУЛЛАЕВА — Урганч шаҳридаги 1-сонли мактабда, сўнгра 16-сонли иқтидорли болалар мактабида ўқиган. Ҳозир Урганч қурилиш касб-ҳунар коллежи менежмент бўлими талабаси:

— Мен мустақиллик деганда Ҳур ва Озод Ватанни, кундан-кун гуллаб-яшнаб бораётган шаҳару қишлоқларимизни тушунаман. Тенгдошларимиз фанда, санъатда, спортда дунёни лол қолдиришмоқда. Ана шулар ҳаммаси мустақиллик туфайли деб биламан.

Ёшлигимдан математика, адабиёт, тарих фанларига қизиқаман. Шу боисдан мактабда, кейинчалик коллежда ҳам ушбу фанларни пухта ўзлаштиришга, фан олимпиадаларида фаол иштирок этиб, юқори ўринларни эгаллашга ҳаракат қилдим. Шу йил бошида вилоятда ўтказилган «Иқбол маликаси» танловида ғолиб бўлдим.

— Келажакда ҳуқуқшунослик касбини эгаллаш орзуим бор. Одамлар ҳуқуқини ҳимоя қилмоқчиман. Шахсан мен мустақилликни мустаҳкамлаш учун ҳамма ўз ҳуқуқини билиши керак, деб ўйлайман.



Жасур БЕГАЛИЕВ — Жиззах туманидаги 16-умумтаълим мактабида ўқиган. Айни пайтда Жиззах давлат педагогика институтининг жисмоний тарбия ва жисмоний маданият факультети талабаси. Ўсмирлар ўртасида спортнинг сузиш тури бўйича 2007 йилги Ўзбекистон кубоги соҳиби, спорт усталигига номзод:

— Мустақиллик мен сингари ёшлар учун, аввало, истеъдод ва қобилиятимизни амалда намоён этиш имкониятини яратди. Ўзбекистон ёшлари ҳеч кимдан кам эмаслигини дунёга кўрсатди.

Мен мамлакатимиз Президентининг биз ёшлар ҳақидаги гапларини доимо ҳаяжон билан тинглайман. Шу гаплар гўё менга қараб айтилаётгандек туюлади. Истиқлол — бу ёшларга берилган имконият деб биламан. Халқимизнинг ҳақ-ҳуқуқи ҳимоячиси деб ўйлайман. Мен бахтлиман. Мустақиллик билан бирга улғайиб, куч-қувватга тўлиб бораяпман.

— «Умид ниҳоллари — 2006», «Баркамол авлод — 2008» спорт мусобақаларида иштирок этдим. Насиб этса, «Универсиада — 2010» спорт беллашувларида ҳам қатнашмоқчиман. Келажакда сузиш бўйича жаҳон чемпионатларида иштирок этиб, ғолиб бўлиш ниятим бор. Кейин сузиш бўйича мураббий бўлиб ишламоқчиман. Менинг ҳам кўплаб шогирдларим бўлади.

Юлдузхон ОТАХОНОВА — Андижон вилояти, Марҳамат туманидаги 23-умумтаълим мактабида ўқиган. Айни пайтда Андижон давлат тиббиёт институти қошидаги академик лицейда таълим олмоқда:

— Биз бағрида яшаётган Мустақиллик аслида бобо ва момоларимнинг ушалган орзуси, халқим, миллатимнинг эзгу ўйлари рўёбидир. Мен ҳур ва озод юртда ўсиб-улғайдим, вояга етдим. Эрксизлик ва мутелик нима эканини билмай яшаяпман. Шунинг учун ҳам Мустақилликни том маънодаги ширин ва азиз неъмат сифатида тушунаман. Юртбошимизнинг «Мустақиллик — энг улуғ, энг азиз неъмат», деган сўзлари мағзини чақиш ҳақида кўп ўйлайман.

— Мен келгусида сиёсатшунос бўлишни ният қилганман. Мақсадим, сиёсат сирларини мукаммал ўрганиш ва шу билан ватаним Мустақиллиги мустаҳкамланишига ўз ҳиссамни қўшишдир. Чунки айни вақтда Ўзбекистон фуқаролик жамияти қуриш йўлидан дадил бормоқда. Бунга эришишда малакали сиёсатшуносларнинг ўрни беқиёс бўлади.



Умиджон РАҲИМЖОНОВ — Фарғона шаҳридаги 11-ўрта мактабнинг 9-синфини битириб, солиқ коллежига ўқишга кирган. Ҳозирда мазкур ўқув даргоҳининг «солиқ ҳужжатларини электрон тарзда қайта ишлаш» бўлими ўқувчиси:

— Истибдод, мустамлака шароитида яшаш ва ишлаш хусусида отаонам, ўқитувчиларимдан кўп эшитганман, Президентимиз асарларида ўқиганман. Озодликнинг қадр-қиммати, унинг қандай қўлга киритилганини борган сайин кўпроқ англаб етаяпман.

Мустақил бўлмаган халқнинг келажаги бўлмайди. Фақат мустақиллик билан ривожланиш мумкин. Мустақил мамлакат ўзини ўзи бошқаради. Ўз бойликларига ўзи эга бўлади. Мустақилликнинг моҳиятини мен ана шундай тушунаман.

— Кўпгина хорижий давлатларда солиқ тизими ривожланган. Мамлакат тараққиётида бу соҳанинг аҳамияти катта. Ҳар қандай давлат иқтисодиёти солиқ тизимига ҳам боғлиқ. Мен келажакда мана шу соҳанинг билимдон мутахассисларидан бири бўлиб етишишни орзу қиламан. Ана шунда азиз Ватаним ривожига ҳисса қўша оламан.

Зебинисо МУРОДОВА — Бухоро шаҳридаги 4-мактабда ўқиган. Ҳозир Бухоро юридик ва маиший хизмат коллежи талабаси. Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори:

— Мустақиллик мен учун орзу-умидларимнинг ойдин йўли. Эркин ҳаёт, билим олиш ҳуқуқи, бир сўз билан айтганда, яратилган катта имконият, буюк неъмат, чексиз ишонч. Бунинг яққол исботи — ҳар йили юртимизнинг иқтидорли қизларига бериб борилаётган Зулфия номидаги Давлат мукофоти. Мен ҳам 2007 йилда маданият йўналишида ана шу мукофот совриндори бўлдим.

— Ёшлик — бу ҳаётимизнинг пойдеворини яратадиган пайтимиз. Келажакда ким бўлишимиз ҳозир қандай ўқишимиз, касб-ҳунар ўрганишимизга боғлиқ. Мен етук журналист, таниқли шоира бўлмоқчиман. Ҳозирда коллежда ўқиш билан бирга Бухоро вилоят телерадиокомпаниясининг «Моҳият» ахборот дастурига бошловчилик қилиб келяпман. Халқаро журналист сифатида юртим қудратини, ўзбек халқи бой тарихи ва маданиятини жаҳонга тараннум этсам, дейман. Бу билан мен мустақил Ватаним, Юртбошимиз ишончини оқлаган бўламан.



Ситора БАРЛИБОЕВА — Сирдарё вилояти, Боёвут туманидаги 13-мактабда ўқиган. 2007 йили адабиёт йўналиши бўйича Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори бўлган. Айни чоғда Гулистон давлат университети қошидаги академик лицейнинг иккинчи босқич талабаси:

— Мен Мустақилликни халқимиз боши узра порлаётган чинакам эрк офтоби дея тушунаман. Мустақиллик менинг, менга ўхшаган минг-минглаб тенгқурларимнинг келажаги учун битмас-туганмас имкониятлар эшигидир. Ҳозир биз ўқиётган академик лицейдаги яшаш ва ўқиш шароитларига дунёдаги унча-мунча давлатлар болалари ҳавас қилса арзийди. Отаоналаримиз орзу қилган замонавий синфхоналар, фан кабинетлари, компьютерлар, интернет тизими, кутубхона, спорт зали — ҳаммаси биз учун яратилган.

— Вилоятимиздаги деярли барча ижтимоий-сиёсий тадбирларда фаол қатнашишга ҳаракат қилаяпман. «Келажак овози» танловида қатнашиб, журналистика йўналишида иқтидоримни синаб кўрдим. Бадиий ижод соҳасида ҳам ўз устимда мунтазам ишлаяпман. Кўпроқ мумтоз шеириятни ўқийман. Мақсадим — келажакда Шарқнинг машҳур шоираси Зулфияхонимдай ижодкор бўлиш. Мўлжални балки жуда баланд олгандирман, лекин орзуга айб йўқ дейишади-ку...

Беҳзод ДОНИЁРОВ — Самарқанд вилояти, Иштихон туманидаги 1-иқтидорли болалар мактабининг 10-синфида ўқийди. Кимё фани бўйича 42-Халқаро Менделеев олимпиадаси бронза медали соҳиби:

— Мустақиллик ота-боболаримизнинг асрий орзуси эди. Биз ўн етти ёшлиларнинг бахтимиз шундаки, айнан мустақилликнинг биринчи йилида туғилдик, у билан бирга вояга етаяпмиз. Мустақиллик берган имкониятлар туфайли минглаб тенгдошларимиз ўз қобилиятларини кўрсатишмоқда. Турли халқаро танловларда қатнашиб, ҳеч кимдан кам эмаслигимизни исботлаяпмиз.

Дарсдан бўш пайтларимда бадиий китоблар ўқийман, ўз устимда қунт билан ишлайман. Устозим, Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Элмурод Тоғаев тавсияси билан кимё фанига алоҳида меҳр қўйдим. Бу йил мен истиқлолимизнинг 17 йиллик тўйини ажойиб совға билан кутиб олаяпман — Тошкентда ўтказилган 42-Халқаро Менделеев олимпиадаси ғолиблари сафидан жой олдим. Бу ҳаётимдаги энг қувончли ютуқ бўлди.

— Орзуим, келгусида шифокор бўлиб, эл соғлиги йўлида бор билимимни сарфлаш. Шифокорларни эл саломатлиги посбонлари дейишади. Шу билан бирга, шифокорлик энг муқаддас касб сифатида эъзозланади. Мен келажакда ушбу шарафли касбни эгаллаб, халқимиз саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилсам, дейман.



Ҳакима ТЎРАБОЕВА — Наманган шаҳридаги тилларга ихтисослашган 18-мактаб-интернатнинг 10-Б синф ўқувчиси. «Уйда ва мактабда энергияни тежаш бўйича амалий тажриба орқали экологик муҳитни яхшилаш» мавзуида халқаро танлов ғолиби:

— Бизнинг оиламизда ота-онам, ака-опаларим ҳам ўқитувчи бўлишгани учунми, улар «Сен истиқлол фарзандисан, имкониятлардан кўпроқ фойдаланишга эришишинг керак», — дейишади. Агар мен яратилган шароитлардан фойдаланиб, муваффақиятларга эришсам, уларнинг ҳам орзулари ушалган ҳисобланаркан. Менимча, мустақиллик тазйиқ, таҳдидлардан холи, эмин-эркин изланиш, аждодлар шону шавкатига муносиб бўлиш, бир сўз билан айтганда, инсондай яшаш имконияти деганидир.

— Келгусида орзу-ниятим — олий ўқув юртида ўқиш. Шу билан бирга, электр энергиясидан тежамкорлик билан фойдаланиш бўйича изланишларимни давом эттириб, юртимиз экологиясини яхшилашга ҳисса қўшиш. Ҳозирда электр энергиясини тежаш устидаги лойиҳамнинг иккинчи такомиллашган вариантини янги ғоялар билан бойитиб, «Келажак овози» танловида иштирок этиш мақсадида изланаяпман.



Асқаржон ҲАСАНОВ — Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз шаҳридаги 97-ўрта мактабда ўқиган. Ҳозир тумандаги академик лицейнинг ижтимоий-гуманитар йўналиши ўқувчиси:

— Бу борада ҳар ким ўз тасаввурига эга. Қум-шағал корхонаси ишчиси бўлган отам «Юртнинг тинчомонлигидан улуғ бахт йўқ», дейдилар. У киши, албатта ҳақ. Шу туфайли юртимиз обод, ёшлар илм-ҳунар ўрганишаяпти. Мен бу ўринда ғурур-ифтихоримиз ҳақида гапирмоқчи эдим. Шаҳрисабз — миллат ва халқни дунёга таратган улуғ бобокалонимиз Амир Темурнинг бешиги. Мен туғилиб ўсган шаҳрим билан фахрланаман. Соҳибқирон бобомиз қурдирган нодир иморатларни кўрган, у кишининг салобатли ҳайкали қаршисида турган ҳар бир ёшнинг кўнглидан шундай туйғулар кечиши шубҳасиз. Агар эркимиз ўзимизда бўлмаса, юртимиз жаҳонга танилармиди, биздай ёшларни дунё билармиди?! Мустақиллик бизга эркимизни берди, бизни дунёга танитди.

— Бу ҳақда кўп ўйлаганман. Баъзи дўстларим «сендан зўр спортчи чиқади, бўшашма», дейишади. Йўқ, бўшашмайман, спорт — инсон куч-қудрати, руҳиятини мустаҳкамлайди, ўзига бўлган ишончни орттиради. Бироқ, лицейимизда ҳуқуқ, Конституциямизни ўрганиш бўйича сабоқ бераётган устозим Норгул Кўпайсинова «Бизга ҳали кўп малакали, адолатли ҳуқуқшунослар керак», дейдилар. Устозимнинг гаплари юрагимга ҳавас оловини ёқди. Келгусида яхши ҳуқуқшунос бўлмоқчиман. Эл-юрт тинчлиги, адолат учун хизмат қилмоқчиман.



Жаҳонгир РАЗЗОҚОВ — Навоий шаҳридаги 16-сонли мактабда ўқиган. Ҳозир Навоий давлат кончилик институти қошидаги 2-сонли академик лицейи ўқувчиси. Ўсмирлар ўртасида бокс бўйича мамлакат биринчилиги (54 кг.) олтин медали соҳиби:

— Мен учун Мустақиллик тор маънода ўз истеъдодимни, қобилиятимни намоён этиш, кенг маънода эса гуллаб-яшнаётган гўзал юртим, ўз соҳам бўйича турли мамлакатларда катта ютуқларга эришишимдир. Мустақиллик бўлмаганида, Юртбошимиз ёшлар учун кенг имкониятлар яратмаганида, ўз истеъдодимизни жаҳонга кўрсата олмас эдик. Шундай экан, биз ёшлар Юртбошимизга 17 ёшлилар номидан ўз миннатдорчилигимизни билдириб, истиқлол қадрига етмоғимиз ва унга муносиб фарзанд бўлмоғимиз зарур.

— Келажакда Ўзбекистон Республикасини ички ва ташқи томондан ҳимоя қилиб, унинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ҳарбий хизматчи бўлмоқчиман. Сир эмаски, бу соҳада ишлаш учун йигит киши маънан баркамол, жисмонан бақувват, интеллектуал салоҳиятли бўлиши керак. Мен шунга эришиш учун бугунги кунда устозларим Сабриддин Аъзамов ва Мадиёр Турдиев кўмагида бокс бўйича машғулотларга мунтазам қатнашиб келаяпман.

Феруза СУЛТОНОВА — Сурхондарё вилояти Денов туманидаги 5-ўрта мактабда ўқиган. Дзюдо бўйича Ўзбекистон чемпиони. Ҳозирда Денов педагогика коллежи талабаси:

— Ўйлаб қарасам, биз жуда бахтли авлод эканмиз. Ватанимиз озод бўлган йили дунёга келганмиз, истиқлолнинг еттинчи йилида мактаб остонасига қадам қўйганмиз. Ўтаётган ҳар бир йил ҳаётимизда ўчмас из қолдирмоқда. Шахсан ўзим ўтган йили 9-синфни аъло баҳоларга тугатиб, коллежга қабул қилиндим. Дзюдо бўйича Ўзбекистон чемпиони бўлдим.

Беш ёшимдан спорт билан шуғулланаман. Аввалига дугоналарим билан уйда машғулот ўтказардик. 2003 йилда маҳалламизда «Лочин» спорт мажмуи фойдаланишга топширилди. 120 миллион сўм маблағ сарфланган улкан кошонада айни кунларда 110 нафардан зиёд ёшлар кураш, самбо, дзюдо, футбол машғулотларида иштирок этмоқда. Уларнинг эллик нафардан ортиғи мамлакат чемпионларидир.

— Маълумки, ҳеч бир нарса мамлакатни спорт каби дунёга тез машҳур эта олмайди. Бугун Ўзбекистон ёшлари халқаро мусобақаларда байроғимизни баланд кўтаришмоқда. Уларнинг ғалабалари мамлакатимизни дунёга янада кенгроқ танитмоқда. Мен ҳам келгусида шу улуғ ишга ҳисса қўшиш ниятидаман.

Азизбек ЖАЛИЛОВ — Тошкентдаги 224-мактабда ўқиган. Ҳозирда Тошкент темир йўл касб-ҳунар коллежи ўқувчиси. Спортнинг қўл жанги, бокс, у-шу турлари бўйича республика ва бир қатор халқаро турнирлар ғолиби:

— Мустақиллик деганда мен ҳеч кимга қарам бўлмасдан яшашни тушунаман. Биз мустақил давлатмиз, ҳеч кимга қарам эмасмиз. Мустақиллик биз спортчиларга ҳам жуда катта имтиёзлар берди. Кўплаб спорт мажмуалари қурилмоқда, уларда биз ёшларга барча шароитлар яратилган. Дадам айтадилар, улар ўқиган пайтда бундай имкониятлар бўлмаган экан.

— Ҳозирча спорт билан шуғулланаяпман. Кўпчиликка маълум, спортчилар ўз фаолиятини бошқа касб эгаларига нисбатан эртароқ якунлайдилар. Мен ҳам спортдаги фаолиятимни якунлаганимдан сўнг устозларимга ўхшаб мураббийлик қилиш ниятидаман. Унгача эса асосий мақсадим — жаҳон чемпиони бўлиб, мамлакатимиз байроғини баланд кўтариш.

Равшан МИРЗАЕВ — Тошкент шаҳри, Юнусобод туманидаги 258-ўрта мактабда ўқиган. Ҳозирда Тошкент педиатрия-тиббиёт институти қошидаги 1-сонли академик лицейи 3-курс ўқувчиси. Кимё фани бўйича 42-Халқаро Менделеев олимпиадаси кумуш медали совриндори:

— Мен мустақилликни дунёдаги барча озод халқлар билан тенгматенг яшаш деб биламан. Биз мустақиллик фарзандлари унга муносиб бўлишимиз керак. Истиқлолимиз туфайли халқимиз ўзининг кимлигини, фарзандлари билим ва салоҳиятда нималарга қодирлигини кўрсатди. Озодлигимиз бўлмаганда биз ёшлар шундай нуфузли олимпиадада қатнашармидик, пойтахтимиз унга мезбонлик қила олармиди?

— Мустақиллик йилларида бошқа соҳалар қатори юртимиз илм-фани юксалди, буюк аждодларимизнинг чинакам давомчилари юзага келди. Юртимизда Президентимиз ташаббуси билан фан равнақига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу туфайли бугунги ёшлар бемалол замонавий ўқув-лаборатория хоналарида машғулотларни бажармоқда, келажак сари дадил қадам ташлаяпти.

Мен ҳам келгусида кимё соҳаси бўйича билимларимни мустаҳкамлаб, етук мутахассис бўлиб етишмоқчиман. Янгиликлар яратиб, Ўзбекистонимизни дунёга танитиш, шу соҳа орқали Ватанимиз иқтисодиётини юксалтириш ниятидаман.

Раъно ТЎЛАЕВА — Тошкент вилояти, Паркент туманидаги 31-мактабда ўқиган. Ҳозирда тумандаги 5-ихтисослаштирилган мактабнинг 11-синф ўқувчиси:

— Мустақиллик мен учун ғурур демакдир. Она тилимизда эмин-эркин гаплашишимиз, боболар номини фахр билан тилга олишимиз ҳам аслида Мустақиллик туфайлидир. Мен буни оиламиздаги фаровонликда, ён-атрофимиздаги ўзгаришлар, кундан-кунга чирой очиб бораётган она юртимиз жамолида кўраман.

— Ўзим ўқитувчиликка ҳавас қиламан. Шу камтарона касби орқасидан обрў топиб яшаётган жонкуяр устозлардек бўлсам, Ватанига садоқатли, миллатига содиқ ёшларни тарбияласам, уларга илм сирларини ўргатсам дейман. Келгуси йили мактабни битиргач, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетига ўқишга кирмоқчиман. Устозларим йўлидан бориб, жамиятимизга етук, баркамол кадрларни тайёрлаб беришда ўз ҳиссамни қўшмоқчиман.

Индира АЛЛАШЕВА — Нукус шаҳридаги 36-мактабда ўқиган. Бердақ номли Қорақалпоқ давлат университети қошидаги 1-сонли академик лицей ўқувчиси. «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази аъзоси:

— Мустақиллик, менимча, бировнинг фикрига қарам бўлмасдан яшашдир. Биз озод ва фаровон юртнинг фарзандларимиз. Ҳозир бизларнинг яхши таълим олишимиз, соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишимиз учун барча шарт-шароитлар яратилган. Кўплаб ёшларимиз энг ривожланган мамлакатларда ўқишмоқда. Шу ёруғ кунларнинг қадрига етишимиз, бу неъматларнинг абадий бўлиши учун интилишимиз зарур.

— Лицейда ўқишимни тамомлаганимдан сўнг ҳуқуқшунослик йўналиши бўйича ўқимоқчиман. Чунки бу соҳа вакиллари ҳамиша адолат ва ҳақиқатни ҳимоя қилишади. Мен ҳам шу соҳанинг вакили бўлсам дейман.

Саҳифани Матназар ЭЛМУРОДОВ, Жасур ҲУСАНОВ, Темур АЪЗАМ тайёрлади.

Ватанимиз истиқлолининг 17 йиллигига

МУСТАҚИЛЛИК, АСРАГАЙМАН СЕНИ ТО АБАД!

(Шу номли туркумдан)

II.

Ўзбек халқида Ватанни севиш ва унга садоқат кўрсатиш туғма фазилат. «Ватан, Сен Каъбамсан», деб куйлаган шоир минг бора ҳақ. Чунки, Ватан ва Инсон тушунчаларини бир-биридан айри тасаввур қилиб бўлмайди.

Президентимиз Тошкентда Амир Темур ҳайкали очилишига бағишланган тантанали маросимда таъкидлаган эди: **«Ватанимиз истиқлолини янада мустаҳкамлаш, уни ҳимоя қилиш, юртимиз шаън-шавкатини юксалтириш... бизнинг инсоний ва фуқаролик бурчимиздир».** Демакки, Ватандан улуғ, Ватандан муқаддас, азиз ва мўътабар тушунча йўқ!

Ҳалигача мўғул босқинчиларига қарши курашда мардларча фидо бўлган бобокалонимиз Нажмиддин Кубро жасоратини эсласак, юрагимиз тўлқинланиб кетади. У она Ватан байроғини даст кўтариб, душман билан яккама-якка жангга киради. Ҳатто шаҳид бўлганида ҳам босқинчилар Кубро қўлидан байроқни тортиб ололмайди...

Мана, сизга Ватан ва унинг рамзи бўлган Байроққа садоқат!

Ишонинг, ҳар гал мадҳиямизни эшитганда дилимга ҳам, тилимга ҳам шундай бир фарахли, ғурурли, жўшқин сатрлар келаверади:

Мустақиллик Мадҳияси — Ватаним — Каъбамнинг саси!
Менинг учун жондан-да азиз, Ўзбекистон Республикаси!

Халқимизда яна бир хусусият бор: қаерга бормасин, Ватан тупроғидан бир сиқим олиб кетади. Бу ҳам Ватанга муҳаббат, ўз заминига ҳурмат! Эрки, озодлиги, ҳуррияти ва мустақиллигига вафодорлик белгиси!

Мустақиллик деганда — юраклар ҳапқирса, тўлқинланса, кучга куч, ғайратга ғайрат қўшилсагина биз, Юртбошимиз айтган **бир бутун енгилмас халқ** бўламиз.

Эсингизда бўлса, Юртбошимиз 1999 йил 18 октябрь куни Фарғона вилоятида бўлган учрашувда сўзлаган нутқида айтган эди: **«Мен сизларни бир лаҳза, бир сония ҳам огоҳликни йўқотмасликка, хоҳ ишда бўлсин, хоҳ оилада, кундалик турмушда амалий ишларингиз, ўз шахсий намунангиз орқали мамлакат хавфсизлигини, жамиятимиз ва давлатимиз барқарорлигини таъминлаш ишига муносиб ҳисса қўшишга чақираман».**

Зеро, Истиқлол ҳеч қачон, ҳеч қайси замонда осонлик билан қўлга киритилган эмас. Уни асраш, мустаҳкамлаш янада масъулиятли.

Бу кунларга етгунимизча бошимиздан озмунча қийинчиликлар ўтдими? Озмунча қурбонлар берилдими?! Шунда ҳам биз уни сўраб олмадик, мустабидлар қўлидан тортиб олдик. Ўша тортиб олинган кун — 1991 йилнинг 31 августи — Катта йўлнинг бошланиши эди. Бошланган бу йўлнинг юки оғир, машаққатли, серғалаён ва серташвиш кечди. Четдан ва ичкаридан: «Қани, нима қилар экан», дея зимдан кузатиб турганлар ҳам ёки очиқдан-очиқ ғаламислик ва ҳатто террорчилик йўлига ўтганлар ҳам бўлди. Иғволар, фитналар, низолар, туҳматлар... Зах, рутубатли бурчаклардан висир-висирлар, минғир-минғирлар... Фарғона, Қўқон, Тошлоқ, Паркент, Бўка воқеалари, Намангандаги қонли хуружлар, Февраль воқеаси, Сариосиё, Узун ва Бўстонликдаги террорчилик ҳаракатлари...

Ҳаммаси ортда қолди деб турган пайтимизда юз берган Андижон воқеалари... Содир этилган тажовуз туфайли бутун мамлакат чеккан азият қамровини, у келтириб чиқарган нотинчликларни нима билан ўлчаб бўлади? Қанчақанча бегуноҳ инсонлар қурбон бўлиб, қанча-қанча оила жудолик ситамидан ларзага келди! Шундай қулфат, шундай мусибат бошимизда турган бир вақтда ҳасадгўй ва ғаразгўй, аламзада кучлар, айрим чет эл оммавий ахборот воситалари турли бўҳтонлар билан дунё жамоатчилигини чалғитишга урингани-чи?

Дарвоқе, улуғ бир карвон бўлиб кетаётган чоғингда нокаслар, нобакорлар ҳужумига учрасанг-у, осуда ҳаётинг тинчи бузилиб, не-не ватандошларингни йўқотсанг, боз устига туҳмат балосига қолсанг, алам қилмайдими?

Нафақат алам қилади, ғазабинг тошади, қонинг қайнайди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаб айтганидек:

«Албатта, бутун бир халқ, бутун бир миллат эркинлик ва озодлик йўлида узлуксиз курашиб, қанчадан-қанча авлодлар ҳаётини тикиб, қурбонлар бериб эришган истиқлолнинг беқиёс аҳамияти, қадр-қиммати ва баҳосини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. Шуни унутмаслик керакки, мустақиллик шунчаки орзу-ҳавас ёки баландпарвоз қуруқ гап эмас, балки шу заминни ўзига Ватан деб билган ҳар бир инсоннинг эркин ва озод, тинч ва хотиржам ҳаёт кечириши учун сув билан ҳаводек зарур бўлган улуғ ва бебаҳо неъматдир. Агар шу маслак, шундай тушунча халқимизнинг онгу тафаккуридан чуқур жой олса, бундай халқни, бундай миллатни ҳеч қандай куч енга олмайди.

Улуғ шоиримиз Чўлпоннинг сўзлари билан айтганда, мустақилликка эришган халқ том маънода ҳайбатли тўлқинга, қудратли денгизга, буюк ва беқиёс кучга айланади.

Мадомики, мустақиллик шундай олий ва бебаҳо неъмат экан, биз унга, озодлигимиз ва эркинлигимизга осонликча эришмаганимизни асло унутмаслигимиз даркор...»

Мустақиллик миллатнинг чинакам ўзлигини, халқ ўз тақдирига ўзи эгалигини англатгучи долғали ҳаётдир. У элнинг ҳаётини сермазмун, турмушини фаровон қилгучи ажиб замондир. Халқнинг, миллатнинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрни ва обрў-эътиборини топишига имкон берувчи пойдевордир. Шунинг учун ҳам у — энг улуғ, энг азиз, энг тотли ва саодатли бебаҳо неъмат. Бу неъматни то абад асрамоқ — ҳар бир инсон, катта-кичик ҳар бир киши учун бурч, шараф, фарз ва қарз!

Номоз САЪДУЛЛАЕВ

БУНЁДКОРЛИК САОДАТИ

Бугун қадим Бухоро воҳасининг қай бир маҳалласи ёки қишлоғига борманг, улкан бунёдкорликлар, ўзгаришларни кўрасиз. Келинг, яхшиси вилоятнинг энг чекка тумани — Қоракўлда мустақиллик йилларида амалга оширилган ишлар, унинг ижодкори ва ташаббускори бўлган азиз инсонлар тақдири ҳақида ҳикоя қилайлик.

Одамни ҳайратда қолдирадиган томони шундаки, бир пайтлар ўчоғида тезак тутаган, пахса уйларда кун ўтказган, ўз қишлоғидан бошқа шаҳарни кўрмаган оддий одамларнинг турмуш тарзи бугун бутунлай ўзгарди. Кейинги 17 йил ичида наинки туман маркази, ҳатто қишлоқ ва маҳаллаларнинг қиёфаси янгича чирой ва файзу тароват касб этди. Равон йўллар, замонавий мактабу коллежлар, болтомар боғлару жаннатмонанд оромгоҳлар барпо этилди.

— Буларнинг барчаси ғойибдан келган эмас, — дейди биз билан суҳбатда саётлик отахон Мустафо Шарипов, — ҳаммаси мустақиллик туфайли. Унга фарзандларимиз ақлидроки, билими ва меҳнати билан эришдик. Яхшиси, сиз бунёдкорлик ва ободончилик ишларининг ташкилотчиларидан бири бўлган «192-ХКМК» масъулияти чекланган жамият жамоаси фаолияти билан танишинг, шунда қоракўлликларнинг меҳнатсеварлигига, ватанпарварлигига қойил қоласиз, ўғлим.

Ҳамроҳим — ЎзХДП туман кенгаши раиси Файзулла Беҳбутов билан аввало Саёт қишлоғини айландик. Очиғи, бу ердаги фусункорлик, тароват ҳайратга солди бизни. Буни пайқаган қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Алишер Ҳамроев фахр билан изоҳ бера бошлади:

— Илгари бу ерда бўлган одамга қишлоқнинг ҳозирги жамоли афсонадек бўлиб кўринади. Аслида эса бу ҳақиқат. Бултур иш бошлаган Иқтисодиёт коллежи, янги мактабларнинг меъморий ечими, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган автомат телефон станцияси, қатор савдо ва маиший хизмат шохобчалари саётликлар хизматида. Ҳар уч оиланинг бирида ўзимизда ишлаб чиқарилган автомобилни кўрасиз. Ишлайман, турмушимни яхшилайман, уйжойимни обод қиламан деган одам учун имконият, шарт-шароит етарли. Шу боис, бир дунё орзу-ҳавас билан яшаймиз.

Қоракўл шаҳри томон йўл олдик. Атрофни кузатамиз: ҳар тўкисда бунёдкорлик, ободонлаштириш. Мустафо ота айтганидан ҳам зиёда ишлар амалга оширилаяпти. Ҳаммасида «192-ХКМК» МЧЖ жамоасининг ҳиссаси яққол сезилиб турибди. Жамият раиси И.Рўзиевни суҳбатга тортдик. Аммо, у гапирсам, мақтаниш бўлади, яхшиси, биз қураётган объектларни кўздан кечиринг, деди. Шундай қилдик. Зиёрат қишлоғида қурилаётган 540 ўринли маиший хизмат коллежи, Маллаишахс қишлоғида қурилиши поёнига етай деб қолган 690 ўқувчи ўрнига эга янги мактабда бўлдик. Аҳмад Оттуғдиев, Расул Азимов, Анвар Фармонов, Эркин Авезов, Тўхта Қурбонов, Матёқуб Авлиёқулов, Славин Стафеевский, Максим Ан каби ишчи ва усталар билан суҳбатлашдик. Ҳаммаси ўз ишидан мамнун.

— Биласизми, — деди уста Жўрақул Эргашев, — нафақага чиқиб уйда ўтиролмадим. Қўлимдаги ҳунарни асраб нима қиламан. Бунинг устига замонавий, осмонўпар биноларга ҳавасим ортади. Ишга чиқдим. 350-400 минг сўмгача маош оламиз. Яна бир гап. Илгари деворга битта мих қоқмоқчи бўлсак, ихтиёр ўзимизда эмасди. Қурилиш ишлари таъминотдаги узилишлар эвазига чўзилиб кетар ёки сифатсиз бажариларди. Энди ҳаммаси ўзимиздан чиқади. Шу 17 йил ичида қурган биноларимизни кўрган киши қувонади, албатта. Бу кунларга етказганига шукр.

Жўрақул отанинг гаплари таъсир қилдими ё қувончи юрагига сиғмадими, жамият раиси туманда жамоанинг қўли билан бунёд этилган иншоотларни санай кетди. Ўн етти йил ичида Чандир қишлоқ фуқаролар йиғинида 12-, Қулончида 7-мактаб, туман марказида саноат-транспорт коллежи, Маҳаллашайҳда янги қишлоқ ҳокимлик маскани, Қозонда ҚҲМ, Ширинқудуқ-Хатар чегара постлари, Қувачада 7-мактаб қад ростлади. «Қоракўлтекс» қўшма корхонаси ишга тушди. Бир нечта болалар спорт мажмуалари бунёд этилди. Чибирдон ота зиёратгоҳи ободонлаштирилди. Кўпчиликнинг талаб ва истаклари асосида тиббиёт коллежи барпо этилди. Буларнинг барчаси асрларга татигулик йилларнинг маҳсули эмасми...

Сафаримиз сўнггида туман ҳокими, ЎзХДПдан халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати Матлуб Нўъмонов бизнинг борлиғимиз, шону шуҳратимиз, эркин ва фаровон келажагимиз гарови бўлган мустақиллик байрамига қурилаётган тайёргарлик ҳақида сўзлаб берди. Шу билан бирга, у туманда яна 3 та касб-ҳунар коллежи, бир нечта билим маскани бунёд этилиши ҳақида маълумот бераркан, қоракўллик ёшлар вакилларининг мунтазам равишда жаҳон фан олимпиадаларида ғолиб бўлиб келаётганларини таъкидлаб, улардаги интеллектуал салоҳиятни фақат мустақиллик рўёбга чиқарганини алоҳида қайд этди. Аллоҳнинг назари тушган бу хосиятли замин эса нафақат маънавий бойликлари билан, балки моддий ресурслари билан ҳам Истиқлолнинг абадийлигини таъминлашга ҳисса қўшаверади.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири



Ярим йиллик якунлари

КЕНГАШ ВА БОШҚАРУВ МАЖЛИСИ

«Ўзмиллийбанк» Кенгаши ва Бошқарувининг жорий йил биринчи ярмидаги иш якунларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда таъкидланганидек, Миллий банк ҳисобот йили учун белгиланган вазифаларни амалга ошириб, Республика инвестиция дастурини, кичик бизнес ва мамлакат экспортини ривожлантириш дастурини амалга оширишда давлатга ёрдам берилишини таъминлади, шунингдек, хизматлар сифатини яхшилаш ҳамда банк мижозлари билан ишлаш усулларини такомиллаштириш ишларини олиб борди. Бу эса ўтган даврда хизмат кўрсатилаётган мижозлар сонини 1.632,4 мингтага, ҳисобварақлар сонини 1.718,2 мингтага етказиш имконини берди. Шуни ҳам айтиш керакки, хизмат кўрсатилаётган юридик шахслар сони 7,8%, чакана мижозлар сони 6,9% кўпайди.

Банкнинг 2008 йил учун тасдиқланган кредит сиёсатига мувофиқ, ҳисобот даврида берилган кредитлар иқтисодиётнинг устувор тармоқларини ривожлантиришга, ишлаб турган корхоналарни модернизациялаш ва янги юқори самарали ишлаб чиқаришларни жорий этиш тадбирларини молиялашга, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш, маҳаллий хомашё ресурсларини қайта ишлашга асосланган импорт ўрнини босувчи истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган корхоналарни яратиш ва ривожлантиришга йўналтирилди.

Кичик бизнес ривожланишини қўллаб-қувватлаш дастури бўйича Миллий банк томонидан бир қанча хорижий банклар ва молия муассасалари, республика бюджетдан ташқари жамғармаларининг кредит йўналишлари ҳамда банкнинг ўз маблағларини ишга солган ҳолда бир қанча лойиҳаларни кўриб чиқиш ва молиялашга қабул қилиш ишлари олиб борилаяпти. Чунончи, ҳозирги вақтда Банк томонидан умумий қиймати 479,5 млн. АҚШ доллари ва молиялаш суммаси 280,5 млн. АҚШ доллари бўлган 178 та лойиҳа танлаб олинди.

Алишер РЎЗИЕВ

«ОРИЕНТ» МЕБЕЛЬ КОРХОНАСИ

Пойтахтимизнинг Сергели тумани ҳудудида ташкил топганига эндигина беш йил бўлди. Шунга қарамай, у ўзининг сифатли маҳсулотлари билан элга танила бошлади. Корхонада асосан эшик ва ошхона жиҳозлари ишлаб чиқарилмоқда. Россиядан олиб келинаётган хомашёдан тайёрланаётган ҳар бир маҳсулот бугунги кунда ўзининг пишиқ-пухталиги, кўркам ва бежиримлиги, жаҳон андозаларига мослиги туфайли ўз харидорларига эга бўлмоқда.

— Қўшма корхонамиз Кипр давлати билан ҳамкорликда ташкил топган, — дейди директор Ботир Муҳитдинов. — Унда 91 ишчи янгича иш дастгоҳларида фаолият юритмоқда. Уларнинг самарали меҳнат қилишлари учун барча шароитлар яратилган. Мақсадимиз ўз маҳсулотларимиз билан халқимизга хизмат қилиш.



Суратларда: *корхона ҳаётидан лавҳалар.*

Козим ЎЛМАСОВ олган суратлар.

«SARBAST PLUS»:

МДҲда ЯГОНА ТЕХНОЛОГИЯ БЎЙИЧА

Ўзбекистон бозорида ўз маҳсулотларининг сифатини барқарорлаштириш ва истеъмолчиларнинг қаҳрабо ичимликка бўлган талабини қондириш мақсадида «Sarbast Plus» қўшма корхонаси мамлакатимизда «Carlsberg Draugt Master™» янги тизимини ишга туширди. Бу янги инновацион тизим қуйиб бериладиган пивонинг ҳақиқий таъмини сақлашга имкон беради.

Маълумки, кўплаб кичик савдо нуқталари шиша идишлардаги маҳсулотни сотишни афзал кўради, чунки у узоқ вақт айнимайди, қуйиб бериладиган қаҳрабо ичимликни сотишга мўлжалланган анъанавий қурилма савдо нуқтасида катта жойни эгаллайди ва қиммат турадиган доимий қаровни тақозо этади. Бундан ташқари, алюминийли бочка очилгач, маҳсулот уч кундан кейин дастлабки сифатини йўқотади. «Sarbast Plus» қўшма корхонаси томонидан жорий этилган янги технология, дарвоқе, бу МДҲда ягона ҳисобланади, буларнинг барчасига барҳам беради.

Зеро, янги тизим қуйиб бериладиган қаҳрабо ичимликни 21 кун давомида асл ҳолича сақлайди. Мамлакатимиз бўйлаб 800 дан ортиқ савдо нуқтаси истеъмолчиларга ушбу тизимда хизмат кўрсатишга киришди. Йил охирига қадар уларнинг сони мингтага етказилиши режалаштирилган.

Шаҳноза РЎЗИЕВА

ХОРІJDA

ПРЕЗИДЕНТ ОГОҲЛАНТИРДИ

Куба президенти Рауль Кастро мамлакат аҳолисини халқаро иқтисодиётдаги танглик оқибатларига тайёр туришга чақирди. BBC хабарига кўра, Кубада коммунистик инқилоб бошланганининг 55 йиллигига бағишланган нутқида президент бу ҳақда айтиб ўтган. Унинг фикрича, ривожланаётган мамлакатлар бу танглик оқибатида озиқ-овқат ва ёқилғи қимматчилигига дуч келди.

Президент ўз нутқида Кубанинг янги иқтисодий сиёсатига тўхталмай, ўзи ҳукумат тепасига келган вақтдан бошлаб юз берган ўзгаришлар ҳақида батафсил маълумот берди.

КАРАЖИЧ ТАРАФДОРЛАРИ ТАЛАБИ

Белградда ҳибсга олинган сербларнинг собиқ етакчиси Радован Каражичнинг тарафдорлари уни Гагадаги халқаро судга топширишга қарши чиқиб, аппеляцияга беришга улгурди, деб хабар беради Франс Пресс. Каражичнинг адвокати Светозар Вуячич Сербиянинг Vecernje Novosti газетасига берган интервьюсида бу ҳақда маълумот беришдан бош тортди. Шунингдек, у Каражичнинг Сербияда суд қилиниши эҳтимоли жуда озлигини тушунтирди.

1992-1995 йиллар Босния ва Герцеговинада юз берган уруш вақтида ҳарбий жиноят содир этишда айбланаётган Каражич 21 июль куни махсус ҳарбий операция натижасида қўлга олинган.

ЕТАКЧИЛАР ҲИБСГА ОЛИНДИ

Испания миллий суди тўққиз кишини ЕТА Баск айирмачилари жанговар гуруҳига алоқадорликда гумон қилиб ҳибсга олди, деб хабар беради РИА Новости. Улар мамлакат шимолида полиция қидирувлари натижасида 22 июль куни қўлга олинди. Айбланувчилар орасида бўлинма раҳбари Аркаиц Гойкоэчеа ҳам бор. Суд қайси куни ўтказилиши эълон қилинмади. Ушланганларнинг биттаси гаров эвазига, иккинчиси айбдорлиги исботланмагани сабабли қўйиб юборилди.

Судья Балтазар Гарсоннинг фикрича, Гойкоэчеа бўлинмаси сўнгги вақтда юз бераётган қўпорувчиликлар, жумладан, 2007 йил май ойида Легуцианодаги полицияга қарашли биноларда юз берган портлашни уюштиришда гумон қилинмоқда. Гумондорлар ушлангач, портловчи ва асирларни ухлатувчи моддалар сақланаётган хуфёна жойни полицияга кўрсатган ва улар тўғридан-тўғри ЕТА етакчиси Гарикоица Аспиазу раҳбарлиги остида ҳаракат

қилишганини тан олишди.

ЕТА террорчи гуруҳи 1968 йилдан бери Басклар Давлати мустақиллиги учун Испания ҳукуматига қарши курашиб келади. Шу вақтгача 820 нафар киши гуруҳ фаолияти қурбонига айланди.

ИСЛОМИЙ СУҒУРТА

Буюк Британияда шариат қонунлари асосида фаолият юритувчи илк суғурта компанияси иш бошлади, деб хабар беради The Telegraph. Одатий суғурта компанияларидан фарқли равишда Salaam компаниясидаги суғурта мажбуриятларининг таъминланиши мазкур тизимга аъзо барча иштирокчилар зиммасида бўлади. Шунингдек, мижозларнинг бадал пули алкоголь ишлаб чиқарувчи ёки фоиз эвазига қарз берувчи ташкилотларга берилмайди. Жамғармадан ортиб қолган маблағ кейинги йил мижозларга чегирма кўринишида қайтариб берилади.

Компания сайтида айтилишича, унинг хизматидан диний эътиқодидан қатъи назар, исталган киши фойдаланиши мумкин.

«Крокус Газ Сервис» ҚК

«Газдевайс» АЖ ва «Сигнал» ЭАБнинг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили бўлиб, турли русум ва катталикдаги қозонларни таклиф этади:

- горелка ўрнатилган, газда ишлайдиган иситиш ва сув иситиш қозонлари (200 кВт ва 400 кВт);
- буғ қозонлари (соатига 500 кг.дан 4000 кг.гача);
- икки йўналишли (каналли) сув иситиш қозонлари (100 кВт ва 200 кВт);
- ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи найсимон қозонлар (7 кВт дан 16 кВт гача);
- ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи пластинкасимон қозонлар (20 кВт дан 100 кВт гача);
- ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи икки контурли пластинкасимон қозонлар (10 кВт дан 40 кВт гача).

Қозонлар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.
Барча қозонлар учун кафолат — 24 ой.

Кўргазмалар ва сервис марказлари манзиллари:
1. Тошкент ш., «Миробод» (собиқ «Госпитал») бозори, саноат моллари қаторида жойлашган 1-дўкон. Тел.: 306-40-39, 233-44-73.
2. Тошкент ш., Т. Шевченко кўчаси, 34-уй, чап қатордаги 3-дўкон. Мўлжал: Perfectum mobile. Тел.: 252-20-73.

Миллий қадрият

МЕҲРИ ДАРЁ ИНСОНЛАР

ёки бир оила саккиз нафар болани ўз тарбиясига олгани ҳақида

Бойсун туманининг «Пойгабоши» маҳалласида истиқомат қилувчи Муҳаммади ака ва унинг турмуш ўртоғи Зефина опаларни кўпчилик мурувватли, саховатпеша, савобталаб инсонлар сифатида яхши билади. Бу оила Бойсундаги 12-вилоят Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларидан саккиз нафарини ўз қарамоғига олишганди. Бугунда уларнинг 5 та фарзанди 13 нафар бўлди. Улкан оила пайдо бўлди. Унда Муҳаммади ака сарбон, Зефина опа эса ёрдамчи.

— Тўрт қиз, бир ўғлимиз бор эди, — дейди оила бекаси Зефина Саидова. — Турдимуроджон ёлғиз ўғил. Унга йўлдош, суянчиқ бўлсин, деган ниятда турмуш ўртоғимдан бола олишни сўрадим. Таклифим у кишига ҳам маъқул келди. Шундай қилиб, Меҳрибонлик уйидан 8 нафар болани қарамоғимизга олдик. Орзулар ушалиб, бағримиз тўлди. Ҳозирда бир-биримизга анча ўрганиб қолганмиз. Уларнинг «ойижон», деб чақиришидан кўнглим тоғдек ўсади. Ўзбек, татар, тожик миллатига мансуб болаларимиз ўзаро жуда аҳил.

Дарвоза очилиши билан болалар қўлларини кўксиларига қўйган ҳолда салом беришди. Уларнинг юзларида хурсандлик, ҳаётдан мамнунлик балқиб турарди. Бири сув келтирган бўлса, бошқаси сочиқ тутди. Шинам, барча қулайликлар мужассам хонада бир муддат суҳбатлашдик.

— Меҳрдан ортиқ бахт бўлмас экан, — дейди Холмирзо Баҳовуддинқулов. — Мен ана шундай ўлмас туйғуларни Меҳрибонлик уйи ва ушбу хонадондан топдим. Дунёга келтирган онажоним вафот этганлар. Отамни унчалик эслай олмайман. Қариндош-уруғларимиз йўқ. Ота, она, деган каломни айтиш насиб этмаган. Ажойиб оила бағрида меҳр кўрдим, оқибат топдим. Мана, энди акам, опам, синглим ва укаларим, отам, онам бор...

— Оилага келган кунимиз 1 декабрь эди, — давом этади Артур Аюпов. — Ташқари совуқ... Зефина опанинг бағрига «онажон», деб отилганимни сезмай қолибман. Ўша куни кўзларимдан севинч ёшлари тўкилди. Ҳаётимдаги энг унутилмас ва бахтли дамлардан бири ҳам шу кун бўлган. Ойижоним пиширган овқатлар дунёдаги энг ширин овқатлар. Айниқса, туғилган кун ва байрамлардаги пишириқлари.

— Тўққиз болага уч хонали уй ажратилган, — дея суҳбатга қўшилади Муроджон Назимов. — Нонушта, тушлик, кечки овқатда бир дастурхон атрофида йиғиламиз. Ота-онамиз «болажонларим» деб суюб эркаласалар дунёга сиғмай кетамиз. Бизлар ҳам катта бўлсак, ота-онамиздек мурувватли, саховатпеша инсон бўламиз.

— Кўнгли ўксик болажонлар бошини силаш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди, — дейди тумандаги 25-умумий ўрта таълим мактаби директори Бахтиёр Ҳамроев. — Бу олижаноблик ҳамда оқиллик тимсолидир. Хонадонда ташкил этилган «Оилавий болалар уйи» вилоятда ҳозирча ягона ҳисобланади. Сир эмас, рўзғорда ҳам ўзига яраша муаммолар, камчиликлар бўлиши табиий. Аммо Зефинахонимнинг хафа бўлганини кўрмадим. Қачон бўлмасин, у очиқ юз билан қарши олади. Жаннати онага тасанно деймиз!

Биласизми, бу хонадон соҳиби ва соҳибаси маънавиятни, одамийликни барча нарсадан устун қўя билди. Дарахт бир жойда кўкарганидек, ёруғ гўшада тарбия топганлар ҳам албатта шу маконга меҳр қўяди, палак отади. Боланинг бегонаси бўлмаганидек, улар барча нарсани сезади, илғайди. Бағри бутун бу оиладаги саккиз нафар фарзанд аъло баҳоларга ўқимоқда. Тартиб-интизомли, синфдошларига ўрнак бўлишмоқда.

— Тарбия инсон дунёга келганданоқ бошланади, — дейди оила соҳиби, 12-вилоят Меҳрибонлик уйи директори Муҳаммади Норқулов. — Қизларимизнинг уч нафари турмушга чиққан. Ўғлимиз келгуси йил мустақил ҳаётга қадам қўйса, Юлдузхон 6-синфда ўқияпти. Биз учун фарзандлар келажаги муҳим. Уларнинг фикру хаёлидан кечаётган орзулар, қалбидаги ҳис-туйғуларга биз ҳам шерикмиз. Орзу ниятимиз уларнинг ҳар бирини юртимизга муносиб фарзанд этиб тарбиялаш.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Спорт

ОЛИМПИЯЧИЛАРИМИЗ ИЗДОШЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Спорт курашлари ассоциацияси ҳамкорлигида ўсмирлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида ҳамюртларимиздан ташқари қитъамизнинг Эрон, Япония, Хитой, Жанубий Корея, Қозоғистон, Ҳиндистон каби йирик давлатларидан икки юз нафардан зиёд ёш курашчи ғолиблик учун гиламга чиқди.

Мусобақанинг дастлабки кунида юнон-рум кураши бўйича ўсмирлар ўртасида беллашувлар ўтказилди. Унда Олим Қурбонов бош мураббийлик қилаётган Ўзбекистон терма жамоаси саккизта олтин ва учта бронза медалларини қўлга киритиб, барчани лол қолдирди. Кескин ва муросасиз кечган баҳслар якунида Нурбек Ҳаққулов (42 кг.), Элмурод Тошмуродов (46 кг.), Шерзод Қурбонов (50 кг.), Бекзод Зайлобиддинов (54 кг.), Дилшод Турдиев (69 кг.), Азизбек Мамажонов (76 кг.), С.Абдуллаев (85 кг.) ҳамда Дилшод Сулаймонов (100 кг.)лар ўз вазн тоифаларида Осиё чемпиони, деган юксак унвон соҳибларига айланишди.

— Шогирдларимизнинг бу ютуғи, аввало мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларнинг меваси деб биламан, — дейди терма жамоа бош мураббийи Олим Қурбонов. — Бугун юртимизнинг шаҳар ва қишлоқларида барпо этилаётган бир-биридан кўркам спорт иншоотлари фарзандларимиз учун чексиз имкониятлар эшигини очиб бермоқда. Буни қитъа биринчилигининг ғолиб ва совриндорлари қаторидан жой олган курашчиларимиз республикамизнинг турли вилоятларидан эканлигидан ҳам билиб олишингиз мумкин. Ўсмирларимизнинг эришган бундай юқори натижалари биз мураббийларнинг ҳам кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшиши шубҳасиз. Ишонаманки, улар келгусида ҳам ўзларининг чиройли ғалабалари билан юртимиз шуҳратига шуҳрат қўшаверадилар.

Эркин кураш бўйича қизлар ўртасида ўтган беллашувларда вакилларимиз битта кумуш ва учта бронза медалларига сазовор бўлишди.

Ўсмирлар ўртасидаги баҳсларда ҳам мутахассислар терма жамоамиз аъзоларига катта ишонч билдиришганди. Ўн бир вазн тоифасида ўтказилган эркин кураш беллашувларида бир йўла етти нафар спортчимиз ярим финалга йўлланма олган бўлса-да, улардан беш нафарига ҳал қилувчи учрашувда гиламга чиқиш насиб этди. Барча рақибларини катта устунлик билан енгган Нодиржон Сафаров (46 кг.) мусобақанинг олтин медали билан тақдирланишди. Жамшид Ахатов (63 кг.), Субҳон Тошпўлатов (76 кг.), Амирхон Мирзаев (85 кг.), Арслонбек Гадоев (100 кг.)лар кумуш медаль билан кифояланишди. Ўз вазн тоифаларида Дилёр Ортиқбоев (54 кг.) ҳамда Элдор Ортиқов (69 кг.)лар бронза медалларига сазовор бўлдилар.

Эркин ХОЛБОБО,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Суратларда: *эркин кураш бўйича Осиё чемпиони Нодиржон Сафаров; мусобақадан лавҳа.*

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар.

САНОҚЛИ КУНЛАР ҚОЛДИ

Яна роппа-роса ўн кундан сўнг, Пекин (Хитой)да XXIX ёзги Олимпия ўйинлари бошланади. Ер куррасининг икки юздан зиёд давлатлари спортчилари иштирок этадиган мазкур нуфузли мусобақада ҳамюртларимиз ҳам ғолиблик учун майдонга чиқадилар.

Кеча Миллий Олимпия қўмитаси мажлислар залида Пекин олимпиадаси олдидан матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда МОҚ бош котиби Малик Бобоев ҳамда Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги бошқарма бошлиғи Лев Югайлар иштирок этиб, спортчиларимизнинг ушбу мусобақага ҳозирлиги тўғрисида ахборот берди. Шунингдек, тадбир давомида республика оммавий ахборот воситалари ходимлари ўзларини қизиқтирган бир қатор саволларга жавоб олишди.

— Пекин олимпиадасида қатнашадиган Ўзбекистон спорт делегациясининг умумий сони 104 нафарни ташкил этади, — деди МОҚ бош котиби Малик Бобоев. — Шулардан 58 нафари юртимиз шарафини ҳимоя қиладиган спортчилардир. Тўрт нафар ОАВ ходимлари эса мусобақалар тафсилотини ёритиб боришади. Қолганларини эса ҳакамлар, мураббийлар ва бошқа мутахассислар ташкил этади.

Эслатиб ўтамиз, Пекин олимпиадасида 31 та спорт тури бўйича жами 302 та медаллар шодаси учун мусобақа ўтказилади. Унда ҳамюртларимиз спортнинг сузиш, енгил атлетика, спорт гимнастикаси, трамполин, оғир атлетика, эркин ва юнон-рум кураши, таэквондо (ВТФ), дзюдо, велоспорт, теннис, байдарка ва каноэда эшкак эшиш, ўқ отиш турлари бўйича Олимпия медаллари учун кураш олиб боришади.

(Ўз мухбиримиз)

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Erkin XOLBOBOYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 649
8078 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O`zA yakuni — 21.40
Topshirilgan vaqti — 02.20
1 2 3 4 5 6 7
Sotuvda erkin narxda

Китоб жавонингизга

«ЯХШИ ИНСОН ЁДИ»

Журналист Абдукарим Набиҳўжаевнинг ижоди ва ҳаётий фаолияти ҳақида.

Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи таниқли журналист ва публицист Абдукарим Набиҳўжаевнинг ижоди ва ҳаётий фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи «Яхши инсон ёди» номли китобни чоп этди.

Китобдан ўзбек миллий журналистикаси тараққиётига катта ҳисса қўшган таниқли ижодкор Абдукарим Набиҳўжаевнинг қатор ҳикоя ва очерклари ҳамда «Куёвтўранинг саргузаштлари» қиссаси ўрин олган. «Кўмсаш», «Ёдгор», «Нигорон кўзлар», «Сен туғилган кун», «Учрашув», «Дийдор», «Қалб хотираси», «Аскар мактуби» сингари ҳикоялар кенг китобхонларга манзур бўлади деган умиддамиз. Лекин Абдукарим Набиҳўжаевнинг асосий фаолияти журналистлик эди. У ниҳоятда қийин ва масъулиятли бўлган очерк ва публицистика жанрларида қалам тебратиб, ҳамкасблари орасида эътибор қозонган эди. Масалан, унинг «Ҳаёт ғунчалари» номли публицистик мақоласини олайлик. Унда қаламга олинган масала, илгари сурилган фикр айнан бугуннинг гапидир.

Журналистнинг «Самарқанд сайқали» деб номланган публицистик мақоласи ҳам шундай ватанпарварлик руҳида ёзилган. Қадим шаҳарнинг муаззам ёдгорликлари-ю меҳнаткаш инсонларнинг фидокорона меҳнати мадҳ этилади, бу асарда. «Истеъдоднинг олмос қирралари», «Ҳаёт имтиҳони», «Чинор», «Боғлардадир ҳаётим», «Тошкент осмони узра», «Умри боқий устоз», «Замин фарзанди» сингари очеркларида эса, ўзбек халқининг зукко, фидойи фарзандлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Айни пайтда, ижодкорнинг Жуманиёз Жабборов, Абдулла Орипов, Худойберди Тўхтабоев, Эътибор Охунова, Номоз Саъдуллаев, Жасур Носиров, Аброр Ғуломов каби замондошлари ва шогирдларининг хотиралари тўпламни янада бойитган.

Кекса журналист, таниқли ёзувчи Мақсуд Кориев китобга ёзган сўзбошисида таъкидлаганидек, Абдукарим Набиҳўжаевнинг ҳаёти ва ижоди ҳар бир газетачи учун намуна ҳамда ўрнакдир.

Юнус ЗИЁДОВ,
фахрий журналист.

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар...

Газетамизнинг 3 июль сонида «Калаванинг учи бор, охири-чи?» сарлавҳали мақола чоп этилган эди. Унда Термиз шаҳар ҳамда Сурхондарё вилоят ҳокимлари томонидан Термиз шаҳрида янги буюм бозори қурилиши учун ер майдони ажратилгани, аммо кейинчалик ушбу қарорлар бекор қилиниб, акциядорлар томонидан сарфланган маблағлар ўз эгаларига қайтарилмаганлиги баён қилинган эди.

Яқинда мақола юзасидан Сурхондарё вилояти прокуратурасидан жавоб хати олдик. Унда жумладан шундай дейилади:

ТЕРГОВ ОЛИБ БОРИЛМОҚДА

«Вилоят прокуратураси томонидан мақолада ёритилган ҳолатлар ўрганиб чиқилди.

Муқаддам бир гуруҳ фуқаролар вилоят прокуратурасига шу мазмунда мурожаат этишган бўлиб, ушбу ҳолат бўйича ўтказилган текшириш натижасига кўра «Термиз шимолий дарвоза» улгуржи чакана буюм бозори очиқ турдаги акциядорлик жамияти томонидан эркин савдога чиқарилган акциялар учун сарфланган маблағларнинг ўз эгаларига қайтарилмаётганлиги ҳолати юзасидан 2008 йил 30 апрель куни жамият раиси Р.Мардоновга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 205-моддаси 2-қисми «а» банди билан жиноят иши қўзғатилган.

Ҳозирда жиноят иши бўйича вилоят прокуратураси томонидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Вилоят прокурорининг 1-ўринбосари, адлия маслаҳатчиси М.ҚИЁМОВ».

ҚЎШАЛОҚ БАЙРАМ БЎЛАДИ

Мустақиллигимизнинг 17 йиллик байрами арафасида Булунғур туманидаги Навбаҳор маҳалласида икки қаватли 240 ўринга мўлжалланган мактаб биноси фойдаланишга топширилади.

Замонавий усулда қурилган 55-умумтаълим мактабининг қўшимча биносини «А.Лайло» хусусий ишлаб чиқариш фирмаси бунёд этди. Айни пайтда шинам ва озода хоналар замонавий ўқув қуроллари билан жиҳозланмоқда.

Мамадали ЖАЛИЛОВ

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ФАРҒОНА ВИЛОЯТ АДЛИЯ БОШҚАРМАСИ

ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Объект номи:
«Фарғона шаҳар, Б. Усмонхўжаев кўчасидаги қурилиши тугалланмаган «Бахт уйи» биноси қурилиши» ҚМИ

Муддати — 2008 йил 1 октябрь.

Буюртмачи: — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Фарғона вилоят Адлия бошқармаси

Манзили — Фарғона шаҳар, М.Қосимов кўчаси, 149-уй, **тел/факс:** 224-46-33.

Қурилиш-монтаж ишлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг ўз маблағлари ва маҳаллий бюджет ҳисобидан молиялаштирилади.

Ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Фарғона шаҳри, К.Раҳимов кўчаси, 2-а уй, телефон/факс: 224-18-71, 224-18-76

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин ўтказилади.

Илмий ва лойиҳалаштириш ташкилотлари, компаниялар ва фирмалар раҳбарлари диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ

«Қонунбузарликлар ҳисобини юритиш» ягона автоматлаштирилган ахборот тизими дастурий таъминотини яратиш бўйича танлов эълон қилади

Танловда web-технологиялари ва маълумотлар базасини бошқарув тизимлари асосида йирик ташкилотларга дастурий таъминотлар ишлаб чиқишда ижобий тажрибага эга бўлган компаниялар иштирок этишлари мумкин.

Таклифларни тақдим этиш муддати — **2008 йил 29 август.**

Маълумотлар ва техник талаблар учун **Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасига Тошкент шаҳар, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 3-уй** манзили бўйича мурожаат қилиш мумкин.

Телефонлар: 120-76-00, қўшимча 28-95, 28-60.

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари таҳририяти жамоаси Бош муҳаррирнинг «Голос Узбекистана» газетаси бўйича собиқ ўринбосари

Андрей ОРЛОВнинг

вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.